



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 831-3
2021 - yil 01 - aprel

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

Мехнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунига асосан **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.
2021 йил 24 март,
14-2021-Б сон



Хусанов Н. Б.

Келишилди:

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика
қўмитасининг раиси**

Тошкент ш.
2021 йил 24 март,



Бегалов Б. А.

Молия вазири

Тошкент ш.
2021 йил 01 март,

Вазир

Тошкент ш.
2021 йил 18 март,



Т. Ишметов

Кучкаров Д. А.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирининг
2021 йил 24 мартдаги 14-2021-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири томонидан 1999 йил 30 августда 1569/03-1-сон билан тасдиқланган Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 831, 1999 йил 13 октябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 28 сентябрдаги 170-сон “Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 831-1, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 388-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 4 июндаги 27-Б-сон “Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 831-2, 2012 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 305-модда).